Фан ва техника янгиликлари

## БИР ДАҚИҚАДА — ДИАГНОЗ

Лаборант бармоқдан қон олиб, уни анализаторга жойлади. Бир неча секунддан кейин приборнинг яшил ойнасида қондаги глюкоза миқдорини кўрсатувчи рақамлар пайдо бўлди. Қанд касаллигини диагнозлашга имкон берадиган бу анализ Литва ССР Фанлар академияси биохимия институтида бир неча дақиқа давомида ўтказилди. Поликлиникада эса бунинг учун бир неча соат вақт кетган бўлур эди. Институт мутахассислари «Эксан-Г» прибор-анализаторини ўзлари ишлаб чиқдилар ва ясадилар.

Қанд диабет касаллиги — жуда маккор касаллик. Инсон ҳеч нарсани сезмай, кўп йиллар давомида бу касаллик билан юравериши мумкин. Вақт ўтгандан кейин қўйилган диагноз эса касалликни даволашни анча қийинлаштиради. Биохимикларнинг бу касалликка қарши курашида ферментлар тадқиқоти ёрдам берди. Бу оқсил жонли организмда юз берадиган реакцияни жадаллаштиради. Уларнинг ёрдамида электрон оқимлари бир молекуладан бошқаларига ўтади, бошқача қилиб айтганда, биологик электроток вужудга келади. Ана шу электротокни ўлчаб, организмда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида маълумот олиш мумкин. Замонавий фан принцип жиҳатидан бу токдан ҳозир ҳам фойдаланмоқда. Лекин ферментларнинг жуда қисқа муддат — икки ҳафтадан бир неча соатгача яшаб туриши ундан амалий фойдаланишга тўсқинлик қилиб келар эди.

Олимлар уларнинг умрини қандай қилиб узайтириш йўлини топдилар. Молекулалар гўё бир-бирига «чатиб тикилади», шу билан уларнинг парчаланиши олди олинади.

Вильнюсдаги «Сигма» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Паневежисдаги аниқ механика заводи «Эксан-Г» глюкоза анализаторини кўплаб ишлаб чиқаришга киришдилар. Дастлабки приборларни республиканинг катта шифохоналари сотиб олдилар. Эндиликда лаборант бир соат ичида қирқ нафар беморнинг қонини текшира олади. Олимлар глюкозанинг хусусий анализаторини яратиш ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Одамлар унинг ёрдамида ўз соғлиқларини ўзлари контроль қила оладилар.

Р. ГРУМАДАЙТЕ,
ТАСС мухбири.
Вильнюс.

## ЁҒОЧ-ТАХТА УЧУН ҚАЛҚОН

Латвия ССР Фанлар академияси ёғоч химияси институтида яратилган препарат ёғоч конструкцияларни биологик чиришдан ва ёнғиндан асрайди.

«Эрлит» деб ном берилган консерваловчи воситанинг бошқа афзаллиги ҳам бор. Уни жойларнинг ўзида эритиб тайёрлаш мумкин. Бу эса суюқликни ташиб, келтиришдан халос этади. Бунинг устига ёғочни қуритиш учун куч сарфлашга ҳожат йўқ.

Янги препарат ҳўл ёғочга ҳам сингдирилаверади. У экологик жиҳатдан зарарсиз бўлиб, сув ювиб кетмайди, атроф-муҳитни булғатмайди. Медицина тадқиқотлари озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган ва ташиладиган идишларни ҳам «эрлит» билан дорилаш мумкинлигини тасдиқлади. Янги антисептик модда чет эллардаги энг яхши шундай моддалардан қолишмайди, баъзи кўрсаткичлари жиҳатидан улардан устун туради.

«Эрлит» ҳар қандай ёғоч буюмларни — қурилишда ишлатиладиган деталлар ва плиталардан тортиб, электр узатиш линиялари устунларигача ҳаммасини ишончли муҳофаза қилади. Уларнинг сақланиш муддати йигирма йил узаяди. Янги препарат қадимий меъморлик ёдгорликларини консервация қилиш учун ҳам кенг имкониятлар очиб беради.

С. ШПУНГИН,
ТАСС мухбири.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

# реклама ◎◎◎ эълонлар ◎◎◎ реклама


ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

10 НОЯБРДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

## «Келин-куёвлар учун соябон»



Сценарий муаллифи — Р. ФАТАЛИЕВА.
Режиссёр — Р. НАХАПЕТОВ.
Ролларда: Н. ОЖЕЛИТЕ, А. БАТАЛОВ, А. ГЛАГОЛЕВА ва бошқалар.
Фильм севишганлар ҳақида, бахт ва бурч ҳисси, муҳаббатни сўндирувчи бўҳтон ҳақида ҳикоя қилади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

## «Оркестр билан катта кўча бўйлаб»



Сценарий муаллифлари — А. БУРОВСКИЙ, П. ТОДОРОВСКИЙ.

Режиссёр — П. ТОДОРОВСКИЙ.

Ролларда: О. БОРИСОВ, М. ЗУДИНА, Л. ФЕДОСЕЕВИЧ-ШУКШИНА ва бошқалар.

Бу музикали лирик кинокомедия баъзан оддий юмушлардан холи бўлиб, ўзининг мустақил оиласидаги ўзаро муносабатларга қандай назар ташлаш зарурлиги ҳақида ҳикоя қилади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

КИРОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ

## Мактаб-ошхонаси ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МАКТАБ-ОШХОНА КИРОВ РАЙОНИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ОШХОНАЛАРИ, КАФЕЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН III РАЗРЯДЛИ МАЛАКАЛИ ОШПАЗЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

**Ўқиш муддати 11 ой.**
**Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумотли қизлар қабул қилинадилар.**
**Машғулотлар 1 ноябрда бошланади.**
Мактаб-ошхона замонавий уч қаватли бинода жойлашган ва таълимнинг техника воситалари билан жиҳозланган.
Мактаб-ошхона қошида ишчи-ёшлар мактаби бор.
**Ўқувчилар ўқиш даврида уч маҳал овқат, махсус кийимлар билан таъминланадилар, ойига 54—63 сўм миқдорида стипендия оладилар.**
Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Киров райони, Тимирязев кўчаси, 28-уй (3, 22, 23, 29-трамвайлар, 19, 47, 89-автобуслар, 10, 26-маршрут таксиларининг «Маиший хизмат уйи» бекати).

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КУЗГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

## «ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР» ПРОГРАММАСИ

**ЎРГАТУВЧИ — Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. БАГДАСАРОВ.**
**ТОМОШАЛАР: 1 ноябрда соат 16, 19.00 да; 2 ноябрда соат 10, 12.30, 17.00, 19.30 да; 5—6 ноябрда соат 10, 12.30, 14.45, 19.30 да БОШЛАНАДИ.**

## КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

7 НОЯБРДА соат 12.30, 14.45, 17.00, 19.30 да; 8 НОЯБРДА соат 10, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да; 9 НОЯБРДА соат 10, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да бошланади.
**Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.**
Марказий касса ва олдиндан билет сотадиган кассалар ҳар куни соат 9 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.
«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» универмаги олдидаги касса соат 11 дан 19.00 гача;
М. Горький майдонида жойлашган касса соат 16.00 дан 20.00 гача;
Фарҳод ярмаркасида жойлашган касса соат 11 дан 19.00 гача;
Олой бозорида жойлашган касса тоқ кунлари соат 9 дан 21.00 гача очиқ.
**Дам олиш куни — душанба.**
**Справкалар олиш учун телефонлар: 45-35-91, 44-35-84.**

15 НОЯБРДАН БОШЛАБ

## ЛЕНИНГРАД ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛИ

**ПРОГРАММАДА:**
«ПРОМЕТЕЙ» БИР АКТЛИ СПЕКТАКЛИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ
**Саҳналаштирувчи — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати — В. ВОЛЖАНСКИЙ.**
**Бадиий раҳбар — РСФСРда хизмат кўрсатган артист — М. ВОЛЖАНСКАЯ.**
**Икки бўлимдан иборат катта программа кўрсатилади.**
**ТОМОШАЛАР соат 19.30да; шанба кунлари соат 16, 19.00 да: якшанба кунлари соат 13, 16, 19.00 да БОШЛАНАДИ.**
**Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.**
**Марказий ва олдиндан билет сотиш кассалари ҳар куни соат 9 дан 20.00 гача очиқ.**
**Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.**

## Музика қувонч бахш этади



**МУЗИКА ОЛАМИ БИЛАН ОШНО БЎЛИШ КИШИГА КАТТА МАЪНАВИЙ ОЗИҚ БЕРАДИ. УЙДА ТЕЗ-ТЕЗ МУЗИКА АСАРЛАРИНИ ТИНГЛАБ ТУРИШ УЧУН ХОНАКИ ФОНОТЕКА КЕРАК. УНИ СЕВИМЛИ БАСТАКОРЛАР АСАРЛАРИ, ЁҚИБ ҚОЛГАН ҚЎШИҚЧИЛАР, АНСАМБЛЛАР, ОРКЕСТРЛАР ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ БИЛАН БОЙИТИШ МУМКИН.**
«ТАШКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ
**ЭСТРАДА МУЗИКАСИ ҲАВАСКОРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**
**«СИНЯЯ ПТИЦА», «САДО» ансамбллари, «КАРАВЕЛЛА», ПОЛЬ МАРИА оркестрлари; «ЗВЕЗДНИЙ ВИРАЖ» оркестрлашган музика коллективи, СОФИЯ РОТАРУ, ВАЛЕРИЙ ЛЕОНТЬЕВнинг «ДИСКОКЛУБ» альбомлари туширилган пластинкалар сотувга қўйилган.**
**СИЗ ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРДА ЖОЙЛАШГАН МАГАЗИНЛАРДАН ИСТАГАН ГРАМПЛАСТИНКАЛАРИНГИЗНИ**
СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН
4-Куйбишев шоссеси, 850-уй (Қуйлиқ бозори).
5-Госпитал бозори;
8/1-Навоий кўчаси, «Дўстлик» ярмаркаси;
10-Жуковский кўчаси, 2-уй;
13-Майна Ҳасанова кўчаси (4-уй-жой шаҳарчаси);
16-Сергели, савдо маркази.
**«ТАШКУЛЬТТОРГ»** (телефон 91-18-79).

ИЛМИЙ ТАШКИЛОТЛАР, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ

## Диққатига! «СВИТЯЗЬ-36» АТЕЛЬЕСИ

**илмий-тадқиқот ва ўқув, шунингдек ўлчов лабораторияларида анализлар олиб бориш мақсадида**

**ҚУЙИДАГИ ОПТИК АСБОБЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:**

ИСП-30 спектрографлари, ИКС-29, СФ-46, СФ-18, спектрофотомерлари;

МДР-23 монохроматори, ИЗА-7 компоратори, КФК-2 калориметри;

ОИ-24 ёритгичи, ДМР-4 қўшалоқ монохроматори, ИМЦ-100x50 асбобли микроскоп, ОДГ-329 бўлгич головкаси;

АК-0,5У, АК-0,2У автоклиматори;

ОСК-2 ЦЛ оптик асбоб. МБС-200 микроскопи, Р-17 биолами,

СТЭ-1 спектографи, Л-211-биолами, МБИ-15;

1986-1987 йилларда ишлаб чиқиладиган илмий мавзулар учун оптик асбобларга буюртмалар бериш мумкин.

**Бизнинг адрес: 700027, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 8«а»-уй. Телефонлар 45-45-53: 45-45-57.**

**«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.**

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

**1984 йил 1 январгача ишлаб чиқарилган сотилмай қолган ва баҳоси арзонлаштирилган тикув буюмлари: эркаклар ва хотин-қизлар мўйна ёқали пальтолари, мўйна ёқалар, бош кийимлар ва табиий мўйнадан** (норка, тулки, қоракўл)**дан тикилган буюмларни**
**СОТАДИ**
**Буюмлар 50 процентгача арзонлаштирилган.**
Қундузлар, сувсарлар ва улардан тикилган буюмлар баҳоси 1986 йилнинг 1 августида арзонлаштирилганлиги учун ҳам уларнинг баҳоси ўзгармади.
**«ТАШКОМИССИОНТОРГ» САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.**

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

**БЎШ ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ҲАММА ПУНКТЛАР ВА ШИША ИДИШЛАРДА ИЧИМЛИКЛАР СОТАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИДА**

**иш вақти давомида шампанскийдан бўшаган шишалар (ҳажми 0,8 литр) тоза ҳолда** (зар қоғозсиз ва этикеткасиз)

**ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**

**Справкалар олиш учун телефон 33-72-59.**
**Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бош бошқармасининг ишлаб чиқариш транспорт ва таралар бўлими.**

## Келинчак либослари



**Модалар уйининг усталари келинлар учун майин, енгил ва жозибали кўйлакларни тикиб берадилар.**
**«ЎЗБЕКИСТОН» фирма савдо бирлашмасининг**
7-«ПЕРСПЕКТИВА» МАГАЗИНИДА
**ЯҚИНДА ОЧИЛГАН КЕЛИН ВА КУЁВЛАР САЛОНИДА**
**тўй тантанасига атаб**
КЎЙЛАКЛАР БУЮРТИРИШ МУМКИН
Сиз магазиндаги намуналар кўргазмасидан ўзингизга манзур бўлган хилини танлайсиз ва уни тиктириш учун магазин маъмуриятига буюртма берасиз.
АДРЕС: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 3«а»-уй (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси). Маълумотлар олиш учун телефон 45-53-60.

**«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ.**

## Биллур идишлар дастурхон кўрки



**ДАСТУРХОНДАГИ БИЛЛУР ИДИШЛАР ЎЗИГА ХОС ГЎЗАЛЛИК ЯРАТИБ МЕҲМОНЛАРГА КЎТАРИНКИЛИК БАХШ ЭТАДИ.**
**БИЛЛУР — БАЙРАМЛАРДА СОВҒА УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МУНОСИБ СОВҒАДИР.**
**ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА ГУЛ ВАЗАЛАР, САЛАТДОНЛАР, КОНФЕТДОНЛАР СОТУВГА КЕНГ КЎЛАМДА ҚЎЙИЛГАН. УЛАР МАМЛАКАТИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДА ТАЙЁРЛАНГАН.**
**ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.**

## ЗЕБОЛИК

Байрам кунларида меҳмонга боришга тараддуд кўраётганингизда чиройли кийиниб ораста бўлишга ҳаракат қиласиз. Байрамга атаб янги костюм, кўйлак тиктирасиз ёки сотиб оласиз. Шундай қилиб сиз жозибали кийиндингиз-ку, бироқ сўнгги пардоз буюмларига эътибор бериш зарурати туғилади.
Байрам тараддудини кўраётганда ана шу майда-чуйда нарсаларни ҳам унутмаслик керак.



**Парфюмерия термаси: «ЖИЗЕЛЬ», «ЖЕЛАЮ СЧАСТЬЯ», «МОСКОВСКИЙ КРЕМЛЬ»;**

**Атирлар: «ОДНАЖДИ», «САРДОНИКС», «ТАМАРА»;**

**Одеколонлар: «О, ЖЕН», «СПОРТКЛУБ».**

**ЭРКАКЛАР ГАЛСТУКЛАРИ: сидирга рангли, йўл-йўлли, нўхот гулли.**

БУЛАР «ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.
**«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ»** (телефон 53-46-37).

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.**


## ТЕАТР

**НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА** — 30/X да Аида, 31/X да Раймонда.

**ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА** — 30/X да Шошма, қуёш, 31/X да Куёв.

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА** — 30/X да Шайтон ва муридлар, 31/X да Гулсара.

## КИНО

**30 ОКТЯБРДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**«ҚАДИМИЙ РУСЬ»** — Чайка (18, 21.00; телефон 77-06-20), Восток (16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

**«МАРҲУМНИНГ ХАТЛАРИ»** — Чайка (16.00), ВЛКСМ 30 йиллиги (16, 20.00).

**«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАРМЕН»** Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

**«ҚОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР»** — Нукус (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.30 да; телефон 46-70-69), Қозоғистон (16, 17, 18, 19, 20, 21.00; телефон 35-24-92), Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 78-47-25).

**«ВАСИЯТ»** — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да).

**«ЯККА СУЗИШ»** — ВЛКСМ 30 йиллиги (18.00).

**«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ»** — К. Ерматов номли (тоқ соатларда), Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

**«БОР ЭКАНДА ЙЎҚ ЭКАН, САЙРОҚИ МАЙНА БЎЛГАН ЭКАН»** — ВЛКСМ 30 йиллиги (20.00).

**«ЧИЯБЎРИЛАР УЧУН ҚОПҚОН»** — Искра (16.00; телефон 39-14-59).

**«АСР ШАРТНОМАСИ»** — Искра (17.45, 20.00).

**«ЗИНА-ЗИНУЛЯ»** — Санъат саройи (катта зал, тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да; телефонлар 44-21-44, 44-21-34, 44-21-74).

**31 ОКТЯБРДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**«ҚАДИМИЙ РУСЬ»** — Чайка (13, 18, 21.00; телефон 77-06-20), ВЛКСМ 30 йиллиги (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52), Москва (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-05-01).

**МАРҲУМНИНГ ХАТЛАРИ»** — Чайка (11, 16.00).

**«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАРМЕН»** — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

**«ҚОРАШАҚШАҚЛАР СИРИ»** — Нукус (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.30 да).

**«ҚОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР»** — Қозоғистон (12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 21.00; телефон 35-24-92), Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 78-47-25).

**«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ»** — К. Ерматов номли (тоқ соатларда, Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

**«ЧИЯБЎРИЛАР УЧУН ҚОПҚОН»** Искра (12, 14, 16.00; телефон 39-14-59).

**«АСР ШАРТНОМАСИ»** — Искра (17.45, 20.00).

**«ЗИНА-ЗИНУЛЯ»** — Санъат саройи (катта зал, тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да, телефонлар 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74).

**«МАХСУС БЕЛГИЛАРИ ЙЎҚ»** — Санъат саройи (кичик зал, 11.30, 14, 17.00).

## ЦИРК

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА** — Тошкентда биринчи марта «ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР» аттракционининг гастроллари (19.30).


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 08379. Газета якшанбадан ташқари ҳар куни, бир йилда 300 марта чиқади. Тиражи — 50.381. Б. — 2122. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.